

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

● БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА ●



УШБУ

СОНДА:

**БАҲОВУДДИН
НЕГА
БАЛОГАРДОН?**

4-БЕТ


**НАПОЛЕОННИНГ
СИРЛИ
ҚИЁФАДОШЛАРИ**

7-БЕТ

**ТУРСУН АЛИ
МУҲАММАД:**

**ҚЎРҚОҚЛАРДАН
ҚЎРҚАМАН**

8-БЕТ



БАҲОВУДДИН
НАҚШБАНДНИНГ
675 ЙИЛЛИГИ



СУРАТЛАР МУАЛЛИФИ АБДУЛ ҒАНИ ЖУМА



КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:

**ЖУМАНАЗАР
БЕКНАЗАР:**

КЕЛАЖАҚДА

УЧРАШАМИЗ

ПАҲЛАВОН

СОДИҚ:

«УЧИНЧИ ОДАМ»

ҲАҚИДА

ЕЗИЛМАГАН ШЕЪР



ЛАЙЛО

Лайло Салимжоновна... Кўзингиз шу исми-шарифга тушганми? Биласиз. Кўп газет-журналларда чизган расмларини кўргансиз ҳам.

Самарқанда бориб «Урғут қайқада?» деб сўрасангиз, каттаю-кичик кўлини жануб томон — тоғларга қаратиб «ҳув ана, кўришиб турибди» дея йўл кўрсатади. Лайло опа асли ўша Урғутдан. Уруш йилларида нон-насиба тортиб Тошкентга келиб муқим яшаб қолишган. Оилада 14 жондан синглиси, онаси ва Лайло опа қолди. Юрагидаги сеҳр, бармоқларидаги мўъжизани тасвирларда яратиб газета-журналларда тез-тез кўрина бошлаган мурғаккина қизчасидаги бу санъатни сезган она қийналсада, азоблансада уни ўқитди. Бировлардан кам қилиб ўстирмади. Кўнглига қаради. Шу тариқа 55-60-йилларда Ўзбек ранг-тасвир санъатида Лайло Салимжоновна деган ажойиб мўтавабра кириб келди.

Опа уч-тўрт нарса қоралаб юрғанида ҳали бу соҳада хотин-қизлар йўқ эди. У қалдирғоч бўлиб кириб келганди десак хато бўлмас. Бунинг устига унга дарров яхши одамларнинг неҳоқи тушди. Яна қилсан деге, катта шоира Зулфия опа уни йўқлаб қолди.

— Бу 1962-63-йиллар ичида бўлаётган воқеа. Турмушга чиққанман. Қизим Лолахон бир ярим яшар, қўлимда. Яна Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти битириб арафасидаман. Зулфия опа кўярда-қўймай қақириб, диплом ишимни ҳам шу ерда тайёрлашимни айтиб, ҳатто ўз хоналарини бўшатиб бердилар. Эни 2,40, бўйи 1,20 метр «Марғилон чеварлари» номли диплом ишимни олти ой опанинг хонасида ёйиб ишлаб муваффақиятли ёқлаганман. Уша вақтда масъул котиб Салоҳ ака Ҳасанов ва опадаги ижодкорга бўлган ҳурмат, эътиборни мен шунча йиллик иш фаолиятимда камдан-кам раҳбарларда кўрдим. Улар

бениҳоят очиқкўнгил, жонкуяр эдилар. Ҳар бир ходимни, ижодкорни иложи борича кўнглини кўтариб илҳомлангирарди... Шунинг учун бўлса керак меҳнат дафтарчам «Саодат»да очилиб шу ерда ёпилди. Журналда ишлаб фикр доирам, ижодим ўсди. Умиримнинг энг азии онлари шу журналда ўтганидан мамнунман.

Ҳа, Лайло Салимжонованинг номи кўпчиликка севилиши «Саодат» журнали орқали танилди. «Палангалик аёл», «Оналик», «Қишлоқ лавҳаси» каби тасвирлари эҳ-ей яратганларини буёун санаб-саноғига етиш қийин. Опа табиатан гўзаллик, табиат ошўфтаси. Шунинг учун бўлса керак чизган асарларида ясамалик дегарли йўқ. Бунинг боисини ўзларидан сўраганимизда шундай жавоб бердилар: «Мен табиатан кўнгличанман. Ёмон нарсаларни суймайман. Санъат — бу гўзаллик, эзгулик. Ундан одамлар ибрат, баҳра олсин. Шунинг ҳам ҳаётда ёмон ҳодисалар кўн...»

Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг фаол аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Лайло опанинг устахонасида суҳбатлашиб ўтириб, қутилмаганда ҳаёлимга шу савол келди:

— Асарларингизни кўриб, тўғриси, ҳали сизни жуда ёш деб ўйлардим.

Опа мийиғида жилмайдилар-да босиқлик ила шундай дедилар:— Кексайдим жоним. Худо ҳар кимни ҳам шундай кунларга етказсин. Очиғи, нафақага чиққанамдан сўнгина бемалол ўз вақтида ижод қилишга қўлим тегди. Чизмасам туролмайман. Ниманидир яратганимдан сўнг шунақа ҳурсанд бўлиб кетаманки, сўраманг. Демак, ҳали тетикман. Турмуш ўртоғим Ғафур акангиз ҳам ижодкор. Ҳикоя, масаллар ёзиб туради. Санъатни яхши тушунади. Шуларга, яна буюртма асарларга суратлар чизиб бериб тура-

ман. Кўргазмаларда қатнашаман. сиз ҳам ижодкор экансиз биларсиз. Мусаввирларнинг ҳам ўзгача, доим изланиб юрадиган гўзал бир олами бор. Доим изланади, кузатади, яратади. Ширинтой набираларим бор. Хуллас, буви бўлиб зерикмай қолдим.

— «Саодат»дан узилиб кетмадингизми!

— Йўқ-е, узилиб бўларканми. Ҳалиям келиб туришади.

— Тасвирий санъатдан бошқа яна қайси соҳаларга қизиқасиз!

— Кўшиқни, театрни жондилымдан севаман. Айниқса талабалик йилларим ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Мушиқа тинглаш учун Биллимлар уйига гуруҳ-гуруҳ бўлиб борардим. Театрдаги спектакллардан ҳеч қолмасдик. Негадир ҳозирги баъзи ёшларга ҳайрон қоламан, борган сари юракларини музлаб қоляптими-ей. Севги-муҳаббат деган буюк туйғулар топталмоқда, айни камолот даврида ҳеч нарсага қизиқмай қолганлар. Театрга ёки концертга эмас, қаҳвахоналарга чолишади. Санъатни, одамларни асрашимиз керак...

— «Оила ва жамият» газети муҳлислари учун қандай тилақларингиз бор!

— Дунёдаги жамияти одамларнинг энг аввало оиласи тинч бўлсин. Яна бир тилагим, бу ёш оилаларга: сабрли, тоқатли бўлишсин. Чунки қийинчилик, ташвишли кунларни биз ҳам бошимиздан ўтказдик. Ҳаммасига улғурдик. Бола тарбиялашга ҳам, ишга ҳам, оилага ҳам, мана кўриб турибсиз ёмон яшамаяпмиз. Икки фарзандим-Аҳмаджон, Лолахон ҳам мусаввир. Ҳозирги кунда киностудияда ишлашмоқда. Чол-кампир қариллик пенсиясидамиз.

Суҳбатдош ДИЛБАР

ЕТТИ КУН

ҚАЛАМ ҲАҚИ — ЕТИМЛАРГА

Қумқўрғон туманидаги 27-ўрта мактабнинг тарих муаллими Шарбат опа Мунинова «Қумқўрғон тарихи» деб номланган китоб ёзди ва уни Сурхондарёдаги «Жайҳун» нашриёти орқали кўп минг нусхада чоп эттирди. Туман тарихига қизиқувчилар кўп экан. Китоб талаш бўлиб кетди. Муаллиф қалам ҳақида 150 минг сўм пул олди. Ва шу пулнинг барисига ёш болаларнинг пойфазалларини харид қилди, уларни яхши кунларнинг бирида Бойсун туманидаги 12-болалар уйи тарбияланувчиларига ҳада этди.

МИЛЛИОНЕР САҒИРЛАР

Сурхондарёлик бир гуруҳ раҳбарлар яқинда вилоят ҳокими Жўра Норалиев билан Бойсун туманидаги 12-болалар уйида бўлишди ва у ерда тарбияланаётган гўдакларнинг дилини хушлашди. Шу кунги етти нафар сағир хатна қилдирилди. Суннат қилинганларнинг ўчови ўрис миллиатига мансуб гўдаклар эди. Вилоят ҳокими болаларнинг ҳар бирига 55 [эллик беш] минг сўм пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширди. Ҳоким бува болаларга шундай деди: «Роппа-роса ўн беш йилдан сўнг омонат кассаларидаги пулларингиз нақ икки ярим миллион сўмга етади!»

«БУ НАФСИНГ БИР БАЛОДУР...»

Балиқ қовуриб емоқчи бўлиб дарёга қувватли электр тўкини туширган қашқадарёлик балиқхўрнинг ўзи... [Худо кечирсин]. Марҳум тўкини сувга улагач, бирин-кетин чаппа бўлаётган [илтираётган] балиқларни кўриб, кўзи ўйнаб кетди ва шошилиб сийми узмасдан дарёга тушди. «Бу нафсинг бир балодур, ёнган ўтга соладур», деб боболаримиз бежиз айтмаган экан!

ФОЙТУН АРАВАЛАР

Самарқанд кўчаларида йўловчиларни сайр қилдирмоқда. Бу ёғи Регистону бу ёғи... йўналишли фойтун араваларга ўтган кетганлар шунчаки ҳавасакка ҳам миниб томоша қилаётир. Қадим кўчаларда, боболаримиз руҳи тирилгандек бўлиб отнинг, от минганининг ҳовурини қайта сезмоқда, шаҳар. Ишқилиб, буюк боболаримиз қароргоҳига уларнинг руҳлари қайтгани рост бўлсин.

ЯНА БИР ХАЙРЛИ ТАДБИР

Олмалиқнинг Кимёгарлар саройида бўлиб ўтди. Болалар жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ташкил этган «Соғлом авлод учун» йиғинида 500 ногирон ва қаровчиси йўқ гўдаклар учун ресторанда ош дамланди. Кўй-қўшиқ янгради. Ижрокчию тингловчи болаларнинг ўзлари бўлишди. Икки соатлик хушвақтлик болаларга умрлик хушбахтликдай туюлди. Илоё, шундай бўлсин.

Яна саҳнада томоша кўрсатган истеъодли болаларнинг ҳар бирига жамғарма томонида минг сўмдан пул улашилди.

«УНИБ, ЎС, СОБИР БОЛАМ!»

Яқинда катта илмий ва ижодий ютуқларга эришганликлари, ёш авлоднинг маънавий камолотига қўшган ҳиссалари учун бир нечта салоҳиятли ёшлар Давлат мукофотини олиш бахтига муяссар бўлишди.

Уттиз ёшдан ошмаган ижодкорларга берилувчи бу юксак мукофот совриндорлардан бири ёзувчи, «Ёшлик» ойнамаси Бош муҳаррир ўринбосари Собир Унар бўлди. Биз ҳамкасб адимилизни юксак унвоннинг илк соҳиблиги билан табриклаб, ижодига юксаклик тилаймиз.



Кўп кўрган, кўп эшитган қариялар айтадилар: «Кетган-кў бу дунёнинг азоб-уқубатларидан қутулди, ортида қолганларга ёмон. Бола-чақасига ёмон!» Шу маталини бошқача нисбат билан ҳам сўзлайдиган бор: «Кетганга қийин, қолганлар бир кунини кўрар...»

Булар ёшгина ота ёхуд она ёлгончи дунёни мутлақо тасодиф ёки оғир ҳасалик туфайли тарк этганида айтлади. Ёш Ҳлимдан Яратганининг Ҳзи асрасин!

...Танишимиз улов ҳалокатига учради. Бош чаноғи оғир жароҳат олган экан, касалхонада бор-йўғи бир кун ётди. Ҳушига келмади. Бошида умид билан термулган дўхтирлар, ташқарида кўз ёш тўккан биродарлари кўрмай кетди.

Ҳаммадан кўп кўз ёш тўккан, азият чеккан хотини бўлди. Ҳттиз беш ёшида икки бола билан тул қолиш қийин. Айниқса, ҳозирги замонда.

Ҳали марҳумнинг тобути ердан кўтарилмасдан дунё хабарчилари — «миш-мишчилар» эл орасига ноҳуш гапларни ёйиб бўлишганди: «У ёқда ўғли бир ҳолатда ётган эмиш-у қайнона бўлмиш келинини қистовга олибди. Шаҳардаги уйининг қалитини сўраган. Кейин синглиси билан бориб тинтув ўтказган. Кўлга илинадиган нимаики бор олганмиш. Фақат ўғлининг нарсаларинигина эмас, келинининг кийимларини ҳам.»

Бу гапларга ишонмайсиз. Ҳаёлингиз йигит ёшида қирчиндан қийилган марҳумга кетади. Ёлгончи дунёда шу муддат яшаб қилган ишлари, яхшиликлари. Яхши йигит эди, деб ўзингизни овутасиз, биров билан иши йўқ, Камгап. Иши тугади дегунча оиласига оширарди. Ичса-да, кам ичарди. Дўстларининг раини қайтаргиси келмасди. Ёмон йўлларга юрмаган...

«Миш-мишчилар» эса унинг бошқача сифатларини кашф қилишмоқда. Еки онасининг «фазилатлари» эл орасида дастурхон: «Ўғлингиздан умид кам», деб дўхтирлар отасига шипшитган экан. Шу кунни бечора ота келиб хотинига ёрилган. Кўнгли бўш аёл эса, бу гапдан сўнг адоий тамом бўлди. Йиқилиб қолди. Йўқ, онаси бир оз йиғисиги қилгану, дунёнинг «фойдали» ишларини режалаштирган. Ҳғлидан

зурриёд болалар эмас, унинг топган-тутганини кўлга киритишни ўйлаган. Ахир, келини ёш, ўлгунча аза очиб ўтирмайди. Бир кун бошқача бировга кўз сузасди кетади. Икки ўртада ўғлининг мол-дунёси бегонага қолади.

Келини айтиб йнглайвергач, кўнглидагини тилга кўчирди: «Эрта-индин бит-тасини топиб, ўғлимнинг кийимларини кийинтирмоқчи эдингми! Мени содда деб ўйладингми! Хомтама бўлма! Мол-мулк меники!»

си келмагандир...

Келин буни Ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Энди бу икки фарзанди учун яшати кераклигини биларди. Ёш бўлсада — қайга борсин! Икки боласи билан қайга сифади! Яхшиямки, икки

«ЎЛГАН ҲЛДИ, ҚАЙТА ТИРИЛМАЙДИ У...»

Уйи, бойлиги. Яхшиси, Ҳали келини ўзига келмасидан туриб, ҳаракатни қилиш керак. Ҳғлининг уйидаги бор нарсани ташиб келтирган маъқул. Кейин, аза ўтгач, Ҳушига келган келин уйига яқинлаштирадими!

Мотамсаро аёл Ҳали ўлмаган ўғли устида шу фикрларни бошдан кечирганига ишониб қийин. Лекин айнан шу кунни ўғлининг уйига бориб бир бучча юк билан қайтгани ҳақиқат эди. Буни кўни-кўшнилари ҳам иложсиз тасдиқлайдилар.

Марҳуми ота уйдан сўнгги манзилга кузатдилар. Маъракалар билан ҳафта ўтиб кетди. Азадор келин бу кунларда «дом»ига бориб келолмади. Фуркат бўлмади. Борганида ҳам энди эри ҳеч қайтиб келмайдиган эшикдан ичкарига бош сўқисин, ҳар бир буюм, ҳар бир жиём севиб турмуш қурган ёрини эслатишни ўйлар, юрагини ваҳима босарди. Бир дардига ўн дард қўшилди...

Ун кунлардан сўнг катта ўғлини олиб уйига борди. Минг дард билан ичкарига кираркан, юраги орқасига тортиб кетди. Ҳамма ёқ шип-шидам. Уйини ўғри уриб кетганди. Эри-ю ўзига тегишли кийим-кечакни, теле-визорни, кўлга илинадиган қиммат-баҳо буюм борки, олган. Аввал бошда келин маъракалар билан Ҳамма овора пайти ўғри хабар топиб, уриб кетишгандир деб ўйлади. Қайнонасига кўнгироқ қилди. Айтди. Қайнона ҳеч нарса бўлмагандек беҳавотир эшитди.

У шундагина Ҳали эри касалхонада пайти қайнонаси уйининг қалитини сўраб олганини эслади. Уша пайти нега зарур бўлиб қолди, деб ўйламаган. Буни ўйлайдиган эс-ҳуши ҳам йўқ эди. Демак, ўшандаёқ...

У мол-мулкка эмас, қадрига эмас, Ҳали ўлмай туриб оёқости бўлган эрига ачиниб кетди. Энди бу хонадонга — не янтарлар билан келин бўлиб тушган уйга қай юз билан боради! Эрининг жасади совумай туриб, келини бузқўликда айблаётганлар билан қандай нон-туз бўлади! Одамлар нима дейди!..

У ҳатто эри ўлганида ҳам бундай даҳшатга тушмаганди...

Аmmo Борди. Эрининг навбатдаги маъракасига борди. Кўни-кўшни аёлларнинг «Келини... келибди» деб шивирлашганларини эшитди. Ахир, юрчилик. Эшитишган...

Яна борди. Болаларини олиб, қайнонасининг ёнига борди. Лекин, умр бўйи хотинининг ҳукмидан чиқолмай яшаётган бечора қайнонаси уни олдингидек қувонч билан кутиб олмади. Невадаларини эркалаган бўлди. «Келинг!» деб мулозимат қилган жон бўлмади. Уй қабристондек ҳувиллаган туюлди, назарда. Қайнонаси ичкари уйда экан, чиқмади. Келин қайтар маҳалгача яшириб ўтирди. Кўрқдими! Балки. Орадан ўтган воқеалар учун келин жанжал кўзагани келди деб ўйлагандир. Кўни-кўшилари ўртасида ёқваёрон бўлиб юрги-

йил муқаддам эрининг ишхонасидан олганлари — шу уч хонали дом бор экан. Бўлмаса эрининг маъракаларини бермасдан туриб, кўчада қолиб кетарди...

У кейин ҳам ҳеч қаерга бормади. Икки фарзанди учун тинчгина шу уйда яшайверади. Болаларининг «Телевизоримиз қани, кино кўраимиз» деб хархаша қилишларига кўнмади. Бир кун шу телевизор деган матоҳин ҳам олар. Янги кийимас эски кияр, мўл эмас озорқ ер... Дунёда ёруғ кунлар ҳам бор...

Орадан ярим йил ўтди. Бу гапларни энди ёзганман. Уша пайти Ҳали маросимда эшитганларимни одамларнинг миш-миши деб билгандим. Йўқ, одамлар бир нарсани билмас, кўрмас, сўзламас эканлар. Ҳаммаси ҳақиқат бўлиб чиқди.

Айримларимиз нега бераҳм, қаҳри қаттиқ кимсаларга айланиб боряпмиз! Вақтинчалик қимматчилик, қийинчиликлар айбдормикин! Ахир одамлар уруш йилларидаги очарчилик, қаҳатчиликда ҳам бир-бирларини сўяганлар-ку!

Тасодифлардан ҳеч ким соқит эмас. Тақдир пешонага ёзилмиш ҳукмдан қутулиб бўлмайди. Ҳаммаси Яратганининг измида...

Шундай экан, кимга ҳавас қиламиз. Кетгангами, қолгангами?..

Рўзимбой ҲАСАН

ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ, АЁЛЛАР!

Баъзан кўча-кўйда, дискотекаларда, қаҳвахоналарда оёғини чалиштириб, осмонни қора қилиб сигарет тутатиб ўтирган аёлларни, қизларни учратиш қоламиз. Аёллар ҳам гўё сигарет чекиш бўйича эркалар билан рақобатлашаётгандек, назаримда. Нега қизлар, жувонлар чекмоқдалар. Ахир чекиш кони зарар-ку! Бир пайтлар эркаларга чекиш зарарли деб танбеҳ берардик. Энди аёлларга қарши ташвиқот қиламизми?

Кейинги пайтларда аёлларнинг сигарет чекиши одатий ҳолга айланиб қолди. Эркаларни-ку қўя турайлик (улар барибир эрка) ammo аёл кишига чекиш ярашадими? Узингиз айтинг, оқила қизлар. Сиз чекмайсиз, ёнингизда эса чиройли қиз қўлини белига қўйиб, бир дона сигаретни лабига кўндириб «кайф-сафо» қилмоқда. Покиза бир қиз ўзини ва атрофдагиларни заҳарламоқда. Жаҳлингиз чиқмайдими? Ахир аёл зоти фарзанд қўриши керак. Жамиятга соғлом авлод бериши керак. Ахир тиббиётда аёлнинг чекиши, ичиси носоғлом боланинг туғилишига сабабдир, дейилганку!

Ачинарлиси ўзбек қизлари ичиде ҳам чекишни одат қилганлар учрайди. Мен унақа-


ларни ўзим кўрганман. Ҳаттоки, шундай бир қизни билмагани, у чекмасе туролмайди. «Нега чекасиз?» десам, «Ургатишган. Энди эса чекмасам ўзимни тутиб туролмайман», дейди. У кашанда бўлиб қолганди.

Ахир илгари бизнинг аёллар сигарет нималигини билишмаган. Унинг таъмини тотиб кўришни Ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Яқинда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бу борада яхши ишлар қилин-япти. Лекин нима учун сигарет чекариш тобора ўсиб боряпти? Одамларни кўпроқ заҳарлаш учунми? Марказий нашрлар зўр бериб уларни тарғиб қил-япти. Лекин бундан кимга фойда? Эҳтимол аёлларнинг сигарет чекишини қонун йўли билан таъқиқлаш керакдир. Акс ҳолда улар эркаларни ортда қолдириб кетишадими, дейман.

Бу мақолани ёзишимга сабаб бир «кетворган» қизнинг бир қути («малборо») сигарет сотиб олиб, сумкачасига солиб қўйиши ва озик бармоқчалари билан бир донасини қип-қизил лабига кўндириб тутатиши бўлди.

Зокиржон ШАРИФ
ТошДД толиби




Ҳ. СОЛИҲОВ сурати

Тасавуф — тарихан хилма-хил ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган серқирра бир таълимот. Тасавуф таълимоти ва амалиётининг Турон заминда тўққиз асрлик тарихи бор. Биргина нақибандиянинг ўзини олайлик. Бу тариқатнинг ислом дунёси кенг ҳудудларига ёйилгани ҳам Баҳовуддин Нақибанд ҳазратларининг кишилик маънавий оламига қўшган улкан ҳиссаларидан далолат.

Юртимизда Баҳовуддин Нақибанд, ул зот тақомиллаштирган тариқатнинг тартиб-қоида, йўл-йўриқ ва одоб усуллари, нақибандия силсиласи, нақибандий пирлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган қўлб китоблар битилган. Ўзбекистондаги қўлб китоблар ҳазратларининг бирров кўздан кечирилганда нақибандияга оид нақд 184 та мўтабар манба борлиги аниқланди.

Жаҳонда нақибандияга бағишланган қанча китоб ёзилган бўлса?! Таваллудларининг 675 йиллиги муносабати билан қисқа фурсатда маълумотимизда кўп савоб ишлар амалга оширилди. Биз Баҳовуддин Нақибанд бобомизни яқиндан била бошладик.

Муҳтарам муштарийлар! Газетимиз саҳифаларида Баҳовуддин Нақибанд ҳазратлари ҳақларида олдин ҳам мақолалар ўқиб боргансиз. Бу мавзунинг бундан кейин ҳам изчил давом эттириш ниятидамиз. Бугун диққатингизга ҳавола этилаётган махсус саҳифа ҳам бу улғу авлиёуллоҳ ҳаётлари ва аъмоллари, нақибандия тариқатининг гоилари моҳиятини англашга, жиндак бўлса-да, кўмак берар, деган умиддамиз.



ҲАЗРАТ БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД МАҚБАРАСИ
ТАЪМИРЛАНМАГАН ПАЙТ

Фоний, яъни Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonида тасвирланишича, бир тўда қуш тўпланиб, базм тузмоқчи бўлади. Лекин қушлар жой таллашиб, иззату ҳурмат тамасида ўзаро жанжал кўтардилар. Чунки улар тузган базмда адолат йўқ эди — ҳар ким ўз мавқеи, обрўй-эътиборига лойиқ жойини топмаган эди. Хунарли қушлар беҳунарлардан қуйроққа сурилиб қолган эди. Шунда қушлар бу ижтимоий адолатсизликка барҳам берадиган бир доно — одил шоҳга

Худхуд асарда — пир рамзи. Бу тимсол (образ) Навоий асарига Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» дostonидан ўтган. Қуръа ташлаш воқеаси «Мантик ут-тайр»да ҳам бор. Бироқ раҳбарликдан бош тортиши — Навоийнинг ўзи қўшган талкин.

Маълумки, Фаридиддин Аттор Марказий Осиёда пайдо бўлиб, ислом оламининг жуда кенг ҳудудларига ёйилган яна бир машҳур тасавуфий тариқат — кубравиянинг вакили эди.

АЖРАЛИБ ТУРМАСЛИК ОДОБИ

эҳтиёж сезадилар. Токи у ҳақни барҳақ қилиб, ҳар кимга ўз мавқеига яраша жой тайин этсин. Шу маҳал Худхуд (Пошишак) шоҳ қуш — Симуриддан дарак беради. У билан бошқа қушлар ўртасида бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўйланган дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Симуригга излаб, қанот қоқишга тушиб кетдилар. Бироқ яна ҳар ким ўз билганича учар, кучлироғи илгариллаб кетиб, ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар пала-партиш, бебошларча ҳаракат қилар эди.

Шунда жамоага мақсад сари бир тану бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиладиган, бу йўлнинг пасту баландини яхши биладиган бир бошлик керак бўлиб қолади. Қушлар, ҳеч иккиланмай, Симуриддан хабар бериб, уларни мақсад сари йўллаган Худхуддан ўзларига раҳбар бўлишини илтимос қиладилар.

Аммо, гарчи чиндан бунга ўзининг энг муносиб қуш эканини билсада, Худхуд раҳбарликка кўнмайди.

Хўш, нима гап?

«Майли, дейди Худхуд, — мен билганимча йўл кўрсатай. Лекин: «Бошлик бўл!» — десангизлар, кўркамани, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади». Шунда қуръа ташлайдилар. Қуръа ҳам келиб Худхудга тушади.

Кубравия тариқатига эса Хевада туғилиб, ана шу она шахрини мўғул босқинчилардан ҳимоя қилишга қўлида қилич билан киришиб, жангларнинг бирида ҳалок бўлган Шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221) асос солган эдилар. Аммо Навоий Худхуд тимсоли тасвиринга қўшган ана шу биргина талқини билан ҳам дoston йўналишини нақшбандия сари буриб юбора олди. Шу камтарлиги билан Худхуд китобхон кўз ўнгига нақшбандий пир янглиғ намоён бўлади. Чунки нақшбандияда одамлардан ажралиб турмаслик гоёси энг асосий талаблардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, Худхуднинг: «Бошлиқликни қабул қилсам, орамизда фарқ пайдо бўлади», — деган сўзи билан Баҳовуддин Нақшбанднинг: «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!» (бу ҳикмат шарҳини рўзномамизнинг бундан олдинги сонига ўқиган эдингиз) — деган донишмандона нуқтайи назарлари орасида моҳиятан ҳеч қандай тафовут йўқ. Худхуд ҳам, худди Баҳовуддин Нақшбанд каби, бошқалардан ажралиб туриш, боз устига, уларга ҳўжайинлик қилишини ўзига эп кўрмайди.

Бу ўзлигини энгган одамдангина чиқадиган, камтарликнинг буюк намунаси бўлгулик бир гап.

БАҲОВУДДИН НЕГА БАЛОГАРДОН?

Бухоро ва унга яқин ерларда бир ҳодисага кўп гувоҳ бўласиз. Одамлар бирон жиддий куч талаб қиладиган ишни: «Ё Баҳовуддинни Балогардон!» — деб бошлайдилар. Масалан, шундай деб қоп кўтарилади, кўпкарига кирилади, белқурак билан пахсачига лой иргитилади ва ҳоказо.

Ҳа, кишилар улғу авлиёлар — комил инсонлар руҳидан мадад кутадилар. Лекин, бошқа авлиёлардан фарқли ўлароқ, нега Баҳовуддин Нақшбанд руҳи покларидан айнан бало-қазоларни дафъ этиш борасида мадад кутилади?

Баҳовуддин Нақшбанд ҳақларидаги кўп мақолалардан ҳам биласизки, Мухаммад Бобойи Самосий деган улғу авлиё она қорнидаги қақалоқ хидидан буюк бир зот дунёга келаётганини сезган ва бу ҳақда башорат қилган эдилар. Баҳовуддин туғилганларидан кейин Мухаммад Бобойи Самосий у кишини фарзандликка, яъни шогирдликка олдилар. Демак, Мухаммад Бобойи Самосий Баҳовуддин Нақшбандга «қабул назари била» пир. Ана шу пири комил уч кунлик қақалоқни тасавуф йўлида тарбиялаш учун муридлари — Амир Саййид Мулоқ иштиёрига топширган эдилар. Кейинчалик Мухаммад Бобойи Самосий Баҳовуддин ҳазратга бир бўрк, яъни қалпоқ берадилар. Ромитанинг Самосий кишлоғидан бўлган бу авлиёнинг қароматларидан бири шу эдики, ана шу бўрк Баҳовуддин Нақшбанднинг баракатлари билан пайдо бўлган бало-қазоларни дафъ қилар эди. Хожя Баҳовуддин худди ана шунинг учун «Баҳовуддини Балогардон» де-

ган ном билан шуҳрат қозондилар.

Бу ҳақда Алишер Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат...» таъкирасида ўқиймиз: «...Хожя Мухаммад Бобойи (Самосийга.—С. О.) етганда дедикки: «Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва санга бир бўрк (!) берибдурлар ва қаромат қилибдурларки, но-зил бўлган бало (!) сенинг баракатингдин дафъ бўлғай».

Баъзи давраларда: «Баҳовуддин ҳазратни Балогардон дейиш исломий нуқтаи назардан тўғри эмас», — деган мулоҳазаларни ҳам эшитаемиз. Рост, аввало, ҳар қандай бало-қазо — Худодан, уни қайтариш ҳам, ахир, Оллоҳнинг иродаси билангина амалга ошади-да. Инсон, хусусан, оламдан ўтган киши руҳи қандай қилиб балоларни қайтариши мумкин?

Бир қарашда, бу — жуда ўринли бир мулоҳаза. Аммо тасавуфий ақидага кўра, комил инсонларнинг илтижоси Оллоҳ ҳузурини тезроқ қабул бўлади. Олдин баъзи мақолаларда ҳам айтилганидек, комил инсонлар руҳидан ҳам мададкорлик кутилади. «Улғу авлиёлар руҳи қўлласин!» — деган дуо заминидан ҳам ана шу ишонч ётади. Шу маънода Баҳовуддин ҳазратнинг Балогардонликлари рост. Билмакс, бу ҳақда Абдураҳмон Жомий каби комил мусулмон аллома махсус ёзиб кетмаган ва уни Алишер Навоий келажакки — биз билан сизни ўйлаб таржима қилмаган бўлур эди...

Халқда Баҳовуддиннинг Балогардонликлари ҳақида бир талай ҳикоятлар ривоят бор. Уларнинг шарҳи — алоҳида масала.

УЛУҒ КИШИЛАР НАҚШБАНДИЙЛИК ҲАҚИДА

Мусулмончилик нуқтаи назаридан Баҳовуддин Нақшбанд туркларнинг сунна (яъни пайғамбаримиз Мухаммад алайҳи-с-саломдан қолган анъаналар) билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Жон Спенсер Тримингэм
(Англия)

Мен ҳазрати Нақшбанднинг йўлидаман, ота-боболарим ҳам мана шу йўлда, шу сулуқда.

Тургут Узол (Туркия)

Ишончим комилки, нақшбандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутди.

Зулқифор Аҳмад Нақшбандий,
Нақшбандия тариқати наҳдон
марказининг раиси (Покистон)

Агар ер юзида Хожя Абдуллоҳ (яъни Ғиждувоний) фарзандларидан (яъни шогирдларидан) бири бўлса эрди, Мансур (яъни Халлож) ҳаргиз дор остига борма-ғай эрди.

Хожя Али Ромитаний

Бу навъ осори валоят (яъни бундай авлиёллик кўриниши) ҳазрати Хожяда (яъни Баҳовуддин Нақшбандда) Тангри таоло ниоятдан воқеъ бўллубтур, тариқат машоихига мутааххирлардан (яъни кейинги асрларда ўтган шайхлардан) ҳеч кимга бўлмайду.

Шайх Мавлоно Жалолиддин
Холидий

Махсус саҳифани Ўзбекистон жумҳурияти фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Султонмурод ОЛИМ тайёрлади.

ЭНГ АРЗОН НАРХДА

«Тошкент» муҳандислик маркази «БОДРОҚ» (PORN-CORN) жўхори қовурғич аппаратини таклиф этади. Фақат бизнинг аппаратларга қилган харажатларингизни 1-2 ойда чиқариб оласиз. Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90.

Манзилimiz: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй. (Жанубий вокзал олдида, «Гипролес» лойиҳа институти)

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик бош муҳарририяти тингловчилар билан кўплаб очиқ мулоқотлар ўтказиб туради. Навбатдаги бевосита мулоқот мавзуси муҳлислар таклифига кўра танланди. «Муҳаббатла мунаввар олам», «Умидли дунё», «Оила зийнати» каби эшиттиришларимизга келган мактублар, фикр-мулоҳазалар бир гуруҳ олимлар, мутахассислар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирокида бевосита мулоқот уюштиришга ундади.

«Мен шаҳардаги илмий текшириш институтларидан бириди хизмат қиламан, — деб ёзади бир онахонимиз. Ван номзодиман. 3 фарзандим бор. Утган йили тўнғич ўғлимиз Фарҳоджонни уйлантирган эдик. Бор ишончим, умидим шу ўғлимдан эди, чунки Фарҳоджонга қалбимдаги бор меҳримни, муҳаббатимни бериб, тарбиялаган эдим. Афсус, орзуларим пучга чиқа бошлади. Тўйдан бир ойлар чамаси вақт ўтгач, Фарҳодда қандайдир ўзгаришлар сеза бошладим. У биздан бегоналашди. Нима қилишга ҳайронман. Дардим ичимда. Бунинг боисини балки сиз изоҳлаб берарсиз! Фарзандимга меҳр бердим,

Дераза

«SUPER» МОШИНЛАР

«Москов халқаро автосалони» ҳозирги куннинг энг янги ва замонавий энгил мошинларини Русия бозорига ва Ҳарбий Ҳаво кучларига тақдим этмоқда. Жаҳоннинг машҳур фирмалари маҳсулоти — «Женерал моторс», «Крайслер», «Вольво», «Форд», «Порше» каби зўр энгилюрарлар бойвачаларнинг тайёр «учари»га айланмоқда. Бу «учар»лар фақат энг абжир «шербаччалар» учун хизмат қилмоқда: нархи ҳам шунга яраша-да. Жумладан, 50 минг долларлик «Хаммер» мошинидан Арнолд Швартсенегерда иккитаси мавжуд.

МУШКУЛ МУАММО

Бозор бошлангандан буён мактаб дарсликларини топиш ҳам анча мушкуллашга қолди. Масковнинг Павелетская-Товарная темир йўл бекатида эса миллионлаб нусха дарсликлар билан лиқ тўла бир неча вагон турган экан. Унга ярим йилдан буён ҳалигача эга чиқмабди. Бу ёғи дарс бошланиб, ўқувчилар дарсликларсиз қийналишаётгани туфайли бекат бошлиғи Иван амаки Федоткин китобларни мактабларга текин тарқатишга қарор қилибди. Лекин уларни ташиб бориш (кетиш) учун пул йўқ экан.

СОПИНИ УЗИДАН ЧИҚАРИШДИ

Деҳқончилик маҳсулотларига зараркуналдилик қиладиган ҳайвон ва ҳашоратларга қарши курашнинг халқ орасида турли усуллари мавжуд. Баъзиларининг содда ва самаралилигини кўриб қойил қолмай иложингиз йўқ.

Эфиопиялик деҳқонлар эса далаларини пайхон қилган маймунларни чўчиштида мутлақо кутилмаган усулни топишди. Улар маймунлардан бирини тўтиб олиб, уни олабўжи ранга бўяб кўйиб юборишди. Эркинликка чиққан маймунни кўрган зотдошлари эса «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» махлуқдан ўтакалари ёрилиб, қочади. Ҳеч гапдан ҳабари йўқ «олабўжи» маймун уларни қувиб етишга ҳаракат қилади. Шу тариқа деҳқонларнинг қулоғи тинчиди.

ЭСИ ОҒДИ

Ниҳоят «поп-музика қироли» Майкл Жексон Масковга келди. Уни кўтиб олишга чиққан муҳлислардан анча-мунчасининг хурсандлигидан эси оғди. Майклнинг «табаррук дастхати»ни олиш ҳозирча бирор кимсага насиб этмади. «Қирол» кўналгадан тўғри машҳур «Метропол» меҳмонхонасига келиб қўнди. Меҳмонхона тўсиғи ортида эса Майклнинг «юзини бир кўришга зор» оломон денгизи пайдо бўлди.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ГЎЗАЛ СЎЗЛАР

Қиёмат кунинда энг ёмон аҳволга тушадиган кимса тилдан ва ёмонлигидан халқ кўрққан кимсадир.

Ҳазрат МУҲАММАД Саллаллоҳу алайҳи васаллам.

Уятга кетган одамнинг қалби ҳам ўлади.

Ҳазрат УМАР.

Кибр, ҳақиқатдан хабарсизликдир. Муз парчасининг қуёшдан ғофил қолгани каби.

Канон РИФОЙИ.

Охиратда сени кўтқарадиган бир асаринг бўлмаган тақдирда, фоний дунёда қолдирган асарларингга аҳамият бермай кўя қол.

БАДИУЗЗАМОН.

Адаб бир тож эмиш нури худодан, Қай у тожни сақланг ҳар хил балодан.

Маҳмуд СОНИЙ РАМАЗОН ўғли.



тарбияладим, бировдан кам бўлмасин деб, куйдим, ёндим. Ўғлимнинг шунчалар ўзгариб қолишининг сабаби нимада! Нима қилсам, ҳаммаси асл ҳолига қайтаркин!!!

Онахонни изтироб тўла мактуби сизларни ҳам бефарқ қолдирмас керак! Умуман она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг никоҳ тўйларидан кейин ўзгариб қолишига сиз қандай қарайсиз! Бунинг сабаблари нимада экан!

«Ёшлик» радиостанциясининг «Камалак» муסיқий-ахборот эшиттириши ижодкорлари сизларни 25 сентябр кuni соат 13 дан 15 гача бевосита мулоқотга, баҳс мунозарарага чорлайди. 33-84-57, 39-92-12 рақамли телефонларимиз сизнинг хизматингизда. Қўнғироқларингизни кутамиз, азизлар.

Ўзбекистон радиосининг «ЁШЛИК» бош муҳарририяти.

Табриклаймиз!

Синглим ШАҲЛО, кўевимиз АБУБАКР! 17 сентябрда бўлаётган бахт тўйларингиз, оилалар сафига кўшилаётганингизни сеvimли газетимиз «Оила ва жамият» орқали табриклайман. Бахтли-тахтли, ували-жували, икболингиз баланд бўлсин. Акангиз БАҲОДИРБЕК.

Акамиз НАМОЗ ЖУРАЕВ! Сизни 37 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Ҳар ишда сизга Оллоҳ мададор бўлсин.

Чирокчи тумани.

Қадри акамиз Юра БАЗИБЕВ! — 17 сентябрда турмуш қурганлигинга 10 йил

тўлиши муносабати билан сени ва келинимизни чин кўнглидан қутлайман. Умрингиз узок бўлсин, фарзандларингизни бахт-икболни кўриб, илоё, кўша қаринглар. Синглинг АЛЬМИРА Тошкент шаҳри

Қадри синглим Широной! Сени яқинлашиб келаётган тугилган кунинг билан чин дилдан муборакбод этаман. Фикрларинг тоғ шаршараси каби мусаффо, қалбинг кийикчанинг қалби каби мусаффо бўлишини истаб қолувчи опанг Шоира.

Синфдош дўстимиз ФАҲРИДДИН!

Никоҳ тўйинг муборак бўлсин. Сенга бахтдан тахт, оилавий соғлиқ-омонлик, Шахрисабздек гўзал, бокий ҳаёт тилаймиз. СИНФДОШЛАРИНГ. Шахрисабз, Янгиобод кншлоғи.

Оила

30 ЕШДА

Турмуш қурганман, эгизак бир қиз ва бир ўғил фарзандим бор. Касбим шифокорлик. Тошкент шаҳрида яшай ишлайман. Шахсий ҳовлим бор. Мени ва ўзини қадрлайдиган фарзандларимдан оталик меҳрини аямайдиган эркак билан турмуш қуриб бахтли яшасам дейман. «Оила-245».

30 ЕШДА

Сирдарёда яшайман. Хўжаликда табелчи бўлиб ишлайман [қишлоқ хўжалик техникуминин тугатганман]. Оила қурганимизга 5 йил бўлди, аммо биргина тирноқча зорман. Шу сабаб аёлим розилиғи билан ажрашмоқчиман. Агар олий маълумотли фарзанди бўлса ҳам биримизни тушунадиган ҳамфикр, вафодор, апоҳида уй-жойи бор аёл бўлса уни то-

полсам, келгусида бахтли оила бўлиб яшаб кетшимга ишонаман. «Оила-245».

65 ЕШДА

Хоразм вилоятининг Боғот ноҳия марказида яшайман. Ёлғизман. Раҳматли кампирим вафот этган. Ўғил-қизларимни ҳаммасини уйли-жойли қилиб катта ҳовлида яшайман. Ҳовлимда меваларнинг ҳаммасидан бўлиб, ўшалар парвариши билан шуғулланаман. 55-65 ёшлардаги [татар миллатидан ташқари] уйим-жойим дейдиган қаноатли аёл билан оила қуриб қолган умримни бирга ўтказмоқчиман. Узим ҳали тетик, бардамман. Аёлни ўғил ва қизлари бўлса жудаям яхши, уларни ҳам тарбиялаб уйли-жойли қилишга қудратим етади. Телефун рақамимни тахририятдан олишингиз мумкин. Хатларингизни, қўнғироқларингизни кутаман. «Оила-246».

ИЗОҲ!

Муҳтарам Оила бўлишимизга муржоат этган азизлар! Биз сизни ташвишлантирган, уйлантирган, қизиқтирган мавзуларда яқиндан ёндашиб мушуқлигингизни осон этмоқча доимо ҳаракат қиламиз. Қўвонсангиз сиз каби қўвонамиз. Шунингдек мақсадингизга тезроқ етишмоқчи истасангиз мактубларингизни ўз вақтида олиб кетишларингизни сўраймиз «Оила—136, 150, 201, 208, 210, 214, 212, 226, 230 шулар жумласидан».

Табрик эълонининг ҳар бир белгиси (харфи) 5 сўм. Битта расм (6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 1000 сўм. Табриклар бир ой мuddат чиқаради. 10 кунлик мuddат билан берилса, 2 барабар қийматлашади.

Танишув эълонининг баҳоси 400 сўм.

Мексикалик ёзувчи Хуан Рудьфонинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки ҳикоясида инсоннинг ҳаёт ва ўлимга муносабати очиб берилган. Уқувчи мутолаа давомида типирчилаётган мудроқ қалб ҳолати, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида янгича тасаввурга эга бўлиши шубҳасиз.

ЎЛИМ

МЕНИНГ ОТАМ

Менинг отам яхши одам эди. У дунёда ёмонликлар қалашиб ётган бир пайтда яшади. Чунки аини фурсатда эртанинг ҳеч қандай режасини тузиб бўлмас, негаки келажак хавотир ичра қалқиб турар, бугунги кун эса ҳали тугамаган эди. Ҳавонинг авзойи бузуқ — ҳеч нимани кўриб ва тушуниб бўлмади: кўёш порлаятими, шамол қаердан эсяпти — шимолданми ёки жанубдан?

Дунёда ҳамма нарса ёмон, отам эса яхши эди. У ҳаётга ишонарди. Уни тонгда ўлдирди. У ҳамон ўша ҳолатда эди ва ўзини нега ўлаётганини тушунмади, нега ва нима учун туғди. Бошқалар учун ҳаёт давом этарди, дунё бирозгина тинчланди, янгиликлар, бугун ҳатто ёмғирларни тингламоқ мумкин эди. Одамлар умид олиб қайтаётган ёмғирга узоқ тикилиб қолардилар.

Менинг отам қоронғуликда, қоп-қоронғу, зим-зиё зулматда жон таслим қилди. Уни марҳумларни қандай ясантирган бўлсалар шундай кийинтирдилар ва одатдаги бир одамдек дафн қилдилар. Бизга айтдиларки: «Сизнинг отангиз ўлди, ўша субҳи содиқда, ҳар қандай оғриқ тинчийдиган, чақалоқлар туғиладиган, қотиллар ўлим жазосига ҳукм қилинадиган бир паллада у ўлди». Уша мудроқ босган фурсатда одамлар ярим уйқуда бўлиб, уларнинг тушларида беҳуда, лекин дурустгина, пешонага ёзилган керакли нарсалар гўжгон ўйнардди.

— Сизнинг отангиз ўлди.
Мен худди бугу боласини ушлаб олгандек эдим. Ҳаёлий бугуча, гўё текис кўксимда ухлаётганга ўхшар, у худди қанотсиз қушдек кичкина, қайноқ юракдек иссиқ эди.

— У ҳаётдан узилиб кетди.
Бу тонг олди палла шу қадар зулматли, шу қадар сим-сиёх, мутлақ қоронғу эди. Ва ҳамма нарса шу қадар олис кўринарди. Мен ўшанда нега йиғлаш мумкинлигини, қатрача бўлсин раҳм нима эканлигини илк бор ҳис қилдим. Ўзимни кўз ёшдан тўйдим. Қандайдир хаёлий, мудроқ, қайғу орасида сиқилган беҳад оғир қалбимни қийнай бошладим. Мен фақат бир нарсани — йиғлашни истардим.

— Бугуча ўлди. Сенинг қўлингдангиз унинг жасади, ахир!
Тушимни охиригача кўрмоққа имкон беринг. Бундан бошқаси ёлғон! Токи мен уйқуда эканман, ҳеч ким ўлиши мумкин эмас.

— Тонг отишига ҳали уч соат вақт бор, биз сени отангни олиб келдик. Уни бугун оқшомда ўлдирдилар.

— Сен ким ҳақда гапираяпсан? Менинг отам ҳақидами? У ўлиши мумкин эмас! Унга ҳеч ким зиён етказа олмади. Уни ҳалок қилганлар ўзга бир дунёда ўзларининг адолатли ҳақларини оладилар. Қўллари қуриб қолади, ҳаёт улар учун ўзининг улуғ моҳиятини йўқотади. Отам бизга ҳаёт берди, биз у туфайли ёруғ оламни кўрдик. У ўлиши мумкин эмас.

— Уни ўлдирдилар.
— Қачон? Қай фурсатда?
Мен ҳеч нарсани сезмай қолдим. Ох, мана дунё, балки у билар.

— Тур. Урнингдан тур. Унга қара.
— Сен мени алдаясан.

— Бугун кундузи дафн маросими бўлади.

— Ҳеч қандай дафн маросими бўлмади. Менинг отам ўлиши мумкин эмас. У биз билан яшайди. У ҳам худди биздек, ҳаётда қашшоқлик, маҳрумликдан ўзга нарсани кўрган эмас.

— Сен унга қарашини истайсанми? Тур ўрнингдан, отангни олдига бор, ҳозирча уни севган, ёки шунчаки таниш бўлган кишилар келишга улгуришади.

— Отам ўлган эмас. Сен мени кўролмайсан. Сен мени кўролмайсан, шунинг учун атайин уйқудан уйғотдинг. Тушимни охиригача кўришима ҳалақит берма.

— Бўпти, истагингча туш кўр, фақат унутма, чошгоҳда уни дафн этишади.

— Чироқни ўчир. Чироқни ўчир-да бу ердан кет. Агар менинг отам ростдан ўлган бўлса, нега сен куласан. Йўқол. Менинг бугучам ухлаяпти. Уни уйғотма. Мен биламан, сен кимсан. Тунда фақат иблис шовқин солиб, ётганларни кўрқитади. Отам ўлган эмас, сен шунчаки алдаяпсан. Алдаяпсан, ёки шунга ўхшаш гап қилаяпсан. Йўқол!

Ва менинг кўз ёшларим қон мисол оқдилар. Узоқдан онамнинг йиғисини эшитган чоғимда эса қоним сувга ўхшаб қолди.

ЎЛИМДАН СЎНГ

Мен бевақт ўлдим. Кеча. Сиз учун «кеча» демак ўн йил кейин дегани. Мен учун эса бор йўғи бир қанча вақт кечди. Улим ер юзида ва фазода ўзгармайди. Улим — бу ўлим, унда ҳеч қандай ички қаршилик йўқ, у «ҳеч нарса» ёки «қандайдир» каби тушунчаларга зид эмас.

Улимнинг кўли ётган ёки етмаган жой йўқ. Ҳаммасида, миннатдор нигоҳимга кўринган оламда, менинг руҳиятимдаги ўзгаришларда ҳам у бор эди. Қумурсқалар танимни еб битириб, суякларимни тишлаб бўм-бўш кўз чаноқларим томонга суд-рала бошладилар, сўнгра оғзимни кемириб, тишларимни чархламоққа ўтдилар. Худди шундай қумурсқаларнинг бир уюми еб, тамом қилинган, чириган танамни яна қайта-қайта охирсиз, ҳаёт бошланиб то интиҳо топгунга қадар узоқ муддатга дову еб ётдилар. Улим кишини тараққий эттирмади. Мен ер остида ўша кўмишган, мангуга қолдиришган жойда ҳали ҳам ётибман.

Мен ҳеч нарсани сезмайман. Фақат эслайман. Қандайдир ёмонликлар тез-тез ҳаёлимга келаверади. Уша — руҳим билан бирга тамога кўтарилгач, кўзларимдан думалаган энг сўнги ёшни энтиркин сезмайман.

Мен сизларни бир нарсадан огоҳ этмоқчиман. Улмасдан бурун ғам чекманглар. Ҳеч бўлмаса кўзингиздан бир томчи кўз ёш сиқиб чиқаришга урининг. Кўз ёшлари руҳингизга йўл очади. Шошилиниг, у танингизни тарк этган, кейин сизга гоёт кўрқинчли, чидаб бўлмайдиган даражада қайғу келади, фақат ранж ва уқубатгина инсон тақдирини эзулик томонга буриб юборишга қодир.

Мен ўз руҳини тақдир ҳукмидан озод қилган бир ўлик билан анчадан буён танишман. У ўзининг ўлишини кутиб ўтирмай, ўлмасдан бурун тириклай кўмганликларини ҳикоя қилиб берди. Уни ўлим пайтида, қабрга қўймасдан олдин нафрат билан савалайдилар, қаҳр ва адоватга тўла кўзлари қонсираган кишилар унинг кўзларини даҳшатли тарзда ўйиб оладилар. У

ўша ерда, қора қабрда ўз руҳи билан ёлғиз қолиб кетади.

— Мен ўзимни дўзахда эканлигимни ҳис қилдим, — дея ҳикоясини давом эттирганди у кейин. — Мен худди ер юзида айтишганидек ўлим талвасасида мангу, куйдирадиган олов ичидаги дўзахга тушиб қолгандим. Мен ўзимни зигирдеккина вужудим қафаси ловуллаб ёнаётганини ҳис қилдим. Суякларим батамом ёниб битдилар, олов эса тугайдиганга ўхшамасди. Мен танимни кулга айланганини ҳис қилардим, лекин яшашни давом эттирдим, худди тирик одамдек эдим. Нимадир ич-ичимни оғритарди, ва бу оғриқ ўсиб ва кенгайиб ёниб бўлган танимнинг сиртки қатламга кўчди ва охир оқибатда узоқ кутганим осойишталикка эришиб, ҳолсизланганга йиқилдим. Лекин вужуд қафасидаги руҳим на дўзахда, на жаннатда обойиш топмасди. Руҳнинг танга маҳкумли аросатдан бошқа нарса эмас экан. Кўзларимдан ёш оқмас, лекин қайғум тугайдиганга ўхшамасди. Нега йиғлаялман — оғриқданми? Эҳтимол ўша пайтда бунинг боисини билмагандирман. Балки ўлим талвасасига тушиб қолганимдандир. Фақат биламанки, мен осойишталикка эришгандим. Чунки мислсиз қайғу келтирган руҳим жисимини тарк этганди. Менга тинчлик дамлари келди.

Уша одам менга шуларни айтиб берганди.

Яна бир маслаҳат. Сизнинг орқангиздан бошқаларнинг йиғлаши яхшилик аломати эмас. Бу ўликларга беҳад қайғу келтиради. Тириклар учун ҳеч нарса эмас, ўликлар эса бундан мангу ғам чекадилар.

Чунки ўлим абадийдир.

Русчадан
Юсуф РАСУЛ ағдарган

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

ҲИҚМАТ

Ху ҳалқаси қурулди, эй дарвишлар, келинлар,
Ҳақ суфраси ёйилди, ондин улуш олинлар.

Қол илмини йўқубон, ҳол илмига етибон,
Йўқлуқ ичра ботибон борлиқлардан олинлар.

Йиртиб шавқат пардасин, тилаб дийдор ваъдасин,
Очиб кўнгул дийдасин мушоҳада қилинлар.

Ху аррасин олибон, нафс бошига солибон,
Туни-қуни, толиблар, жонни қурбон қилинлар.

Халқа ичра ҳу денгиз, ишқ ўтига ёнигиниз,
Тан-жон бирлан, толиблар, тадбир бошлаб айтинглар.

Ҳу-ҳу тею зор инграб, ҳу демакда маъно бор,
Дийдоридан умидвор, раҳматидин олинлар.

Қул Хожа Аҳмад, қул бўлган, йўл устида қул бўлган,
Толибларга мўл бўлган, андин ибрат олинлар.



— КУЧАТ ЭКИШ — ЯХШИ НИЯТ, БОЛАМ

С. МАҲКАМОВ сурати

БИР ЙИЛДА НЕЧА МАРТА ЕР ҚИМИРЛАЙДИ?

ТАБИАТИ Бу тушунча шунчалик улғур кучки бутун коинотдаги мавжуд нарсалар: ер юзидаги, ер остидаги, осмону фалакдаги жамики жонзотлар, ўсимликлардан тортиб, майда тошгача мана шу тушунчага бўйсунди, унинг амрига қулоқ тутди. Табиатдаги ҳамма нарса оқ-у қора қилиб яратилган. Бир кунимиз йигирма тўрт соатнинг ҳам ярми ойдин ярми қоронғу. Табиатнинг асосида тўрт унсур ётади ва мана шу тўрт унсур ҳамма нарсанинг яшашига имконият яратиб беради. Булар: тупроқ, сув, олов, ҳаво. Бу тўрт унсурнинг асосида яшаш тушунчаси мужассам. Шу билан бирга бу табиатнинг асоси қурбонлар ҳам сўраб тураркан. Масалан, сув-ҳаёт манбаи, у орқали ҳаёт кўкаради, аммо сув ҳамма вақт ўз «ҳақини» олиб келган. Она замин асосида тупроқ ётади. У курт-кумурсқадан тортиб одамгача меҳрибонлик қилади, ўларга жамики ноз-неъматларни, етиштириб беради. Аммо у ҳам ўз улушини сўрайди. Биз табиий офатлардан зилзилга тўхталиб ўтмоқчимиз. Зилзила туфай-

ли эса ер юзида жуда кўп одам қурбон бўлган. Маълумотга кўра ер юзида бир йилда 300 000 марта ер силкиниши содир бўлар экан. Ундан тахминан:
4—5 балли — 8000 марта,
5—6 балли — 900 марта,
6—7 балли — 140 марта,
7—8 балли — 15 марта,
9 балли бир йилда бир марта тақорланиб турар экан. Тарихда Ўзбекистон ҳудудидида аянчли из қолдирган ер силкиниши куйидагилар бўлган.
— Бухоро, 818 йил.
— Фарғона, 838 йил.
— Хоразм, 1209 йил.
— Фарғона, 1828 йил.
— Тошкент, 1966 йил (5—9 балли).
— Газли, 1984 йил (8 балли).
— Назарбек, 1980 йил (5 балли).
Бундан ташқари Осиё ҳудудидида Туркманистоннинг пойтахти Ашхобод шаҳрида 1948 йилги ер силкиниши оқибатида шаҳарнинг 90. фоизга яқин аҳоли ҳалок бўлган ва шаҳар харобага айланган. Бу зилзила кечаси бўлганлиги учун 110 000 кишининг ёсти-

ғини қуритган. Бизнинг авлод гувоҳи бўлган кучли ер силкиниши 1988 йил Арманистонда бўлиб ўтди. 9 балли ер силкиниши оқибатида 25 000 киши ҳалок бўлди, кўпгина шаҳарлар харобазорга айланди.
Сўнгги 60 йил давомида АҚШ ҳудудидида 40 марта кучли ер силкиниши бўлиб ўтди. Бутун инсоният оламига катта талофат етказган кучли силкинишлар ер юзининг қуйидаги шаҳарларида бўлиб ўтган.
— 1556 йил, Ганьсу ва Шанси шаҳарларида (Хитой). 800 000 киши ҳалок бўлган. Неча баллиги аниқланмаган.
— 1737 йил, Калкутта шаҳрида (Хиндистон) 300 000 киши ҳалок бўлган.
— 1902 йил Андижон шаҳрида, 4.500 киши ҳалок бўлган, 9 балл.
— 1907 йил, Қоратоғ, Ҳисорда 1 500 киши ҳалок бўлган, шаҳарлар харобазорга айланган, 9 балл.
— 1908 йил, Сицилия оролларида (Италия) 23 000 киши ҳалок бўлган, шаҳар вайрон бўлган, 9 балл.
— 1911 йил Верний шаҳрида (Ол-

ма-ота яқинида) шаҳар харобазорга айланган, қурбонлар сони аниқланмаган.
— 1923 йил Токио, Иокогама шаҳарларида (Япония) 140 000 киши ўлган, шаҳарлар вайрон бўлган, 9 балл.
— 1948 йил Ашхобод шаҳрида, 110 000 киши ўлган, шаҳар харобазорга айланган, 9 балли.
— 1952 йил Чита шаҳрида, қурбонлар сони аниқланмаган, шаҳар харобазорга айланган, 9—10 балли.
— 1958 йил Итурит, Курил оролларида. Қурбонлар сони аниқланмаган, аҳоли пунктлари бутунлай вайрон бўлган, 9 балл.
— 1960 йилгадир, Марокка шаҳарларида, 1500 киши ҳалок бўлган. Шаҳар вайрон бўлган, 10—11 балл.
— 1966 йил Тошкент шаҳрида. Шаҳар маркази вайрон бўлган, 9—10 балл.
— 1984 йилда Гаэли шаҳрида 5 киши ҳалок бўлган, 8 балл.
— 1988 йил Спитак, Ленинкан, 25 000 киши ҳалок бўлган, 500 000 киши бошпанасиз қолган, 9—10 балл.
Биз юқорида кўрсатиб ўтган зилзилалар фақат тарихга кирганлар, ўтмишда булардан ташқари кўпгина ер силкинишлари бўлган бўлиши мумкин. Зилзила азоблари бизнинг тошкентликларга ҳам маълум. Бундай офатлардан худонинг ўзи асрасин.

Эгамназар ОСТОНОВ

НАПОЛЕОННИНГ ҚИЕФАДОШЛАРИ


Юз йилдан ортқ тарихчиларга тинчлик бермаётган Наполеоннинг ўлими ҳақидаги жумбоқлар бугунги кунда замонавий тиббиёт томонидан узил-кесил очиб ташланди.
Франсиядаги Мейс дарёси ёқасида жойлашган Бейлкорд қишлоғининг фуқаролик ҳолати ҳақидаги далолатномалар китобининг сарғайган арақлари бу сирни очишда қалит бўла олади, десак янглишмаймиз.
Ушбу китобдан шу қишлоқда «1771 йилда туғилган ва Муқаддас Елена оролида вафот этган» Франсиско Евгений Робеднинг исмини ўқишимиз фикримизнинг далилдир.
Муқаддас Елена оролида вафот этган Наполеон Бонапарт унга икки томчи сувадек ўхшаш бўлган Франсиско Робед эмаслигига ким кафил бўлади?
Бонапарт ўз хавфсизлигини кўзлаб, ўзига қуйиб қўйгандек ўхшаш тўрт кишига Наполеон номини берди. Шулардан бири Франсиско эди. Сохта Наполеонларнинг иккинчиси Ватерлоо остонасида бўладиган жанглардан олдин заҳарланган. Яна бири бахтсиз ҳодиса натижасида оғир яраланиб, бардош беролмаган ва ниҳоят туртинчиси отиб ўлдирилган. Фақат Робедгина император олий жанобларининг юлдузи сўнмагунча, сўнгги дамларда ҳам у билан ёнма-ён бўлди.
Кейинчалик у Бейлкордга, опасининг олдига қайтиб келди. Наполеон Муқаддас Елена оролига сўргун қилинди. Бонапартнинг Элбадан қоч-


ганини унутмаган инглиз ва франсузлар унинг иккинчи бор қочишига йўл қўймасликка келишишди.
Уни озод этишга қодир бўлган куч уч нарсанинг — дўст, пул ва сабрнинг бирлашувидан иборат эди ва бу уч нарса Наполеонда мавжуд эди.
1818 йил Франсия генерали Гогардт муқаддас Елена ороли коменданти вазифасидан истеъфога чиқди. Унинг ўрнига генерал Бертранд тайинланди.
Гогардт Парижга қайтганига икки ой бўлганида Бейлкордга ажойиб извош келди. Извошчи Франсиско Робеднинг уйига қандай бориш кераклигини сўради.
Извош ким бўлган ва у нима учун сохта Наполеонни сўрагани қоронғилигича қолди. Робед ва унинг опаси эса аввалгидек яшашни давом эттиравёрди. Улардан извош ҳақида сўрашганида келган одам доктор ва у дўстига қувён сотиб олганини айтишди.
1818 йил кузининг қоронғи тунларининг бирида опаука Бейлкорддан чиқиб кетишган.
Опасидан Робеднинг қаердалигини сўрашганида эса унинг қаерга, нимага ва қанчага кетаётганини айтмай, денгизга жўнаб кетганини маълум қилди. Франсиско жуда ҳам камгап эди.
Муқаддас Елена оролидан қочиш учун Наполеонга тўрт нарса кифоя эди, унинг ниқоби остидаги сохта Наполеон, кема, бир неча содиқ дўст ва пул.
1818 йилнинг қишида Робеднинг йўқолганига бир ой

бўлганида генерал Бертранднинг хотини дўстига шундай ёзади: «Ғалаба бизники! Наполеон оролни тарк этди!»
1818 йилнинг айнан шу кунлари ўзини Ревард деб атаган башанг кийинган нотаниш жаноб Верона (Италия) га етиб келди.
У ўзини Шимолий Франсиядан олмослар ишлови билан боғлиқ кичик корхона очмоқчи бўлиб келган савдогар деб таништирди. Савдогар ўзига мистер Петруччи исмли ёрдамчи топиб, ҳамма ишларни унга ташлаб қўйди. Мистер Петруччи Ревардни ҳазиллашиб император деб чақирарди. Чунки у Наполеоннинг қуйиб қўйган ўзи эди. Петруччи ва бошқаларнинг гувоҳлик беришича, Ревард 1823 йилнинг 23 августидида тушликдан кейин элчи берган хатни ўқиб жуда ўзгариб кетган.
Петруччи га ўзининг муҳим иш бўйича кетиши кераклигини айтиб, унинг қўлига муҳрланган хат топширган. Агар уч ойдан кейин қайтиб келмаса, хатни Франсия қиролига жўнатишини илтмос қилган.
1823 йилнинг 4 сентябридаги кечки соат 11 да Австриядаги Шенбрун саройи чироклар билан ёритилган эди. Терлама касаллигига дучор бўлган Наполеоннинг ўғли оғир аҳволда эди. Боғдаги қоровуллардан бири узум барглари шитирлашини эшитиб қолди ва сарой тарафга югуриб бораётган одамнинг соясини кўрди. Қоровул ўйлаб ўтирмасдан ўқ узди. Қорнидан ўқ еган нотаниш одам ерга қулади — у тил тортмай ўлган эди. Наполеоннинг хо-

тини Франсия элчихонасидаги нотаниш одам мурдасини ўзининг оилавий мазорига қўйишни талаб қилди. Талаб қондирилди.
Ревард Веронага ҳеч қачон қайтмади. Петруччи хатни Франсия қиролига жўнатди. Муқаддас Елена оролида ҳамманинг наздида Наполеон бўлган асир ҳам қийналиб жон берди.
1821 йили муқаддас Елена оролидаги маҳбус ошқозон

ўсмасидан қафо қилган. Лекин 1956 йил Англия ҳукумати томонидан Наполеон ичакларининг қисмлари топилганида шу нарса маълум бўлдики, бу ичаклар эгаси ўсмадан эмас, балки Женбрун саройи боғидаги нотаниш киши кати ўқ жароҳатидан вафот этган экан.
Инглизчадан Р. ОРТИҚБОЕВ таржимаси





Ўзбекининг полвони кўп: кураши полвон, улоқчи, тош полвон, ош полвон, мушт полвон, гап полвон, яъни оғзи полвон ва ҳоказо. Уларнинг аксари очикқўнғил ҳамда мард келади. Шу сабаб бўлса керак, эл — улус полвонларни беҳад суюди, иззат қилади. Ўғилчасини илк бор қўлига тутайтган ота «Ўғлим ҳақим ёки полвон бўлади» деб ният қилади.

Фаргона вилояти «Водил чинори» миллий халқ цирки гуруҳининг раҳбари Турсун Али Мухаммад ҳам элнинг назарига тушган полвонлардан бири.

Полвон ака, кўпинча, гавдалироқ ёки қорин солган одамга нисбатан ҳам «полвон» деб мурожаат қилишади. Ўзи ростакан полвон бўлиш учун нима бирламчи: кучми, гавда-ми, ақлими!

— Сиз айтган уччала шарт ҳам керак. Лекин бунинг ўзи билан одам кўзлаган мақсадга етолмайди. Полвон ким? Аввало, ўзини бошқара оладиган, ўзига кучи етадиган одам полвон. Кучмини кўрсатаман, элни қойил қиламан деган кишида орият бўлмаса, ҳаракати ҳабу хаш, яъни бир пул. Шармандаси чиқиб, бир умр кулгуга қолиши ҳеч гап эмас.

— Ўзингизнинг ҳаётингизда шундай воқеа бўлганми? Орият ва номус билан юзма-юз келганмисиз!

— Тожикистоннинг Қўргонтепасида томоша кўрсатаётгандик. Йили аниқ эсимда йўқ. Ҳар ҳолда, йигирма йил нариёқдаги гап бу. Тахтага кафтим билан миҳ қоқиб, тишим билан сўғуриб олардим. Шу машқни энди кўрсатаман деб турсам, томошабинлардан бирови «Полвон, бизни тахтаням бир кўринг» деб бир заранг тахтанга узатди. Тахтаннинг метинглиги биринчи кўрган одамгама маълум: елим талашиб турибди. Кафтимга енгимни тортиб бор кучим билан урдим. Миҳ букилиб кетди. Бошқа йўғонроқ миҳни олиб, бир амаллаб тахтага қоқиб олдим. Энди денг, тўрт киши тахтани ушлаб турибди, мен тишим билан тортялман. Қора терга тушиб кетдим. Бўйин томирларим узилиб кетай дейди. «Шу аснода ўлиб қолсам дуруст бўларди» деб ўйлайман. Йўқ, жон-жаҳдим билан бир силтаниб, сўғуриб олдим. Лабларим

қонаб кетди. Ўзиям ўшанда ярим соат овора бўлгандим. (Полвон ака кулиб кўяди).

— Ёшлигингизда кўп муштлашган бўлсангиз керак-а!

— Болалигимиз Шоҳимардонда ўтган. Уртоқларим икки-учтадан бўлиб, бегона болалар билан атай жанжал чиқаришарди. Мени ўзларига кўшишмасди. Раҳмдил эдим, биров бировни ураётган бўлса, дарров ажратиб кўярдим. Ўзим сира муштлашмаганман. Жанжалдан иложи борича қочаман. Тўғри, бир-икки марта куч ишлатишга тўғри келган, булар эслашгаям арзимайди.

— Кўлгина мажруҳ болаларни даволаганингизни биламан. Халқ табобатидан хабардормисиз ё тиббий маълумотингиз борми!

— Йўқ, ҳеч қаерда тиббий билим олмаганман. Халқ табобатидан оз-моз хабарим бор, лекин мен беморларни бошқачароқ усулда даволайман. Беморда умид ва ўзига ишонч, ирода бўлса, уни соғайтириш ҳеч нарса эмас. Машқ қилиш керак, вассалом. Бу ерда

— Адабиёт аҳли беғубор бўлади. Мен шоирларнинг самимиётини, дарвишлигини ёқтираман. Ўзим ҳам мактабни битирган йилим адабиёт факултетида ҳужжат топширганман. Афсуски, киролмадим. Кейинчалик, Маданият институтида ўқидим. Дарвоқе, 5-синфда ўқиб юрганымда бир қизга шеър ҳам ёзгандим. Уқитувчимиз «шу ёшда севгига бало борми» деб тоза койиди.

Шоир, ёзувчилар мени нега яхши кўришини уларнинг ўзидан сўрай қолинг.

— Сиз шеър бағишлаган қиз ҳозир қаерда! Биринчи севгингиз ўшамиди!

— Э, у бир хавас эди-да. Лекин улғайгач, қизни жуда қаттиқ севганман. Андижонга тегиб кетган. Баъзан ўша томонларга бориб қолсак, юрагим ҳапқиради. Худди томошабинларнинг орасида ўша қиз тургандек туюлаверади. Балки ҳозир неваралик ҳам бўлгандир. Хаёлимда ўша-ўша, ўн етти ёшлик пайти яшайди. Эҳтимол, қайта учратмаганим ҳам яхши бўлгандир. Кўнгил совиб кетармиди, дейманда...

— Водилликлар деҳқончиликка ўста бўлишади. Яқин орада кетмон ушладингизми!

— Вақт ўтгани сари одамни ер ўзига тортавераркан. Илгари бундай бўлмасди. Баъзан қўлга гулқайчини олиб, кўргондаги дарахларни бутаб юргим келиб қолади. Шу баҳорда тўнғичим Равшан билан ўн тупдан беҳи, ёнғоқ, ўрик экдик. Фарзанд қизикда, кетмонни ушлангиз, юғриб келиб ёпишиб олади: «Дада, сиз қўйинг, уят бўлади, ўзимиз боппаймиз» деб. Сал нари кетсангиз, кетмонни ташлаб, кўчага юғради. Уларни айблаб бўлмайди, ўйлаб кўрсам, ўзим ҳам ёшлигимда шунақа эдим.

— Полвон ака, охирги савол: нимадан кўрқасиз!

— Кўрқоқлардан кўрқаман. Жами иллат кўрқоқлардан чиқади. Хонин ҳам, иккиозламачи ҳам, мунофиқ ҳам... Илоҳим, кунингиз кўрқоқларга қолмасин!

Иқбол МИРЗО сўхбатлашди

«ҚЎРҚОҚЛАРДАН ҚЎРҚАМАН...»

ҳеч қандай афсун ҳам, сир ҳам йўқ.

— Нега «Яхши ният қилайлик» деган гапни тез-тез такрорлайсиз!


— «Яхши ният-ярим мол» деган мақол бор. Яна эскилар «Яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейди» дейишади. Ҳар ким ниятига яраша насибасини олади. Келинг, бир воқеани айтиб берай.

Ун йиллар илгари Сурхондарёга бордик. Қумқўрғонда томоша кўрсатаётганимда, бир одам қоғозга ўроғлиқ нарса бериб кетди. Уйинимиз маъқул тушганими ёки атаб кўйганими, ҳар қалай, ўша одам 1898 йил зарб қилинган 5 сўмлик тилло тангани ташлаб кетибди. Тангани томоша қилиб туриб, тилла тиш солдирарканманда, деб кўювдим. Бу гапни шунчаки, ҳазил тариқасида айтгандим. Чунки тиш қўйдиршига ҳеч бир эҳтиёж йўқ эди. Қарангки, оғиздан чиққани ҳисоб—нафасим кетиб қолган экан. Бир ҳафталардан кейин майдонда тошни елкамдан ошириб отганимда, тошга боғланган белбоғ бир жуфт тишимни сўғуриб олиб чиқиб кетди. Бу балки тасодифдир. Аммо, барибир одамзот ўйлаброқ гапиргани маъқул.

— Полвон ака, иккита китобингиз нашрдан чиқди. Ёзувчилик, умуман ақлий меҳнат жисмоний машққа халал бермайди!

— Бу машқлар менга ёд бўлиб кетган. Томоша пайтидаям хаёлим бошқа ерда бўлади. Хуллас, булар бир-бирига ҳалақит бермайди. Фойдали томонига келсак, иш юзасидан кўп жойларда бўламан, кўп одамлар билан гаплашаман. Ҳикояларимга шулардан асос оламан, дўст-ёрларга оғзаки айтиб, пишириб оламан.

— Сўхбатимиз адабиёт томон бурилганидан фойдаланиб бир нарсани сўраб олай: нега ёзувчи, шоирларга ҳурматингиз баланд! Нега Рауф Парфидан тортиб Мухаммад Шарифгача сизни яхши кўришади!



«ВОДИЛ ЧИНОРИ»НИНГ ТАМОШАЛАРИДА

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадашон

ЕҚУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОВОДА,

Юсуф ЗИЁД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир

ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ЎЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ИУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шахрисабз пиллақашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Ойла ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Азиз АБДУВАЛИ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-557. 19469 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.